

## Таълим Тизимини Молиялаштиришни Тақомиллашувига Ва Тизимдаги Молиявий Ресурслар Самарадорлигига Таъсир Этувчи Қонуниятлар Таҳлили

**Дусанов Салим Мамарасулович**

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD), Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети, Мустақил тадқиқотчи,  
[msalimd@mail.ru](mailto:msalimd@mail.ru)

**Аннотация:** Мақолада таълим тизимида молиялаштириш, ресурслар самарадорлиги, қонуниятлари, унга таъсир этувчи омиллар таҳлили келтирилган. Таълим хизматлари бозорининг ривожланиши, аҳоли истеъмоли ва бу ўсиб бораётган истеъмолни қондиришга қаратилган йўналишлар таҳлили назарий жиҳатдан ўрганилган ҳамда тегишли хулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** Таълим тизими, молиялаштириш, молиялаштиришнинг ҳолати, муаммолари, таълим хизматлар бозори, таълим сифатини бошқариш, таълим муассасаларини самарали бошқариш, аҳоли даромадари, аҳолининг таълим хизматларига талаби.

### КИРИШ

Бугунги кунга келиб, таълим ривожланиши қонуниятларидан бири бу таълим тизими ички пропорциялари шаклланишида асосан аҳолининг талаби ҳал қилувчи рол ўйнаётганлигидир. Мазкур тенденция жаҳон ҳамжамиятининг барча давлатларида хусусан бозор иқтисодиёти давлатларида ҳам, бозор трансформацияси мамлакатларида ҳам бирдек кузатилмоқда. Маълум маънода, бу жараёнга бизнес қатлами таъсир кўрсатиши умумий манзарани кескин ўзгартирмайди. Аммо, бу қонуниятнинг зиддиятли ёки ўзига хос салбий жиҳати шундан иборатки, аҳоли ҳам, кўпинча кичик бизнес қатлами ҳам таълим сифати ва унинг истиқболдаги долзарб устувор йўналишлари тўғрисида етарли маълумотларга эга бўлмайди. Бошқа томондан, аҳоли ва бизнес қатлами жамиятнинг таркибий бир қисми ва бозор тан олган таълим хизматлари истеъмолчилари ҳисобланса-да, умумижтимоий манфаатларнинг асосий контурларини белгилай олмайди.

Таълим, хусусан, таълимнинг барча босқичлари инсон ривожланиши концепциясида асосий ва марказий ўринга эга бўлиб, бу йўналишда таълим ва илм-фанни юқори даражада ривожлантириш ижтимоий, техник ҳамда иқтисодий тараққиётнинг муҳим интеллектуал омилларидан бири сифатида тан олинади. Ҳатто, статистик маълумотлар ва таҳлилий материаллар ҳам камбағаллик ва қашшоқлик ҳам муайян даражада таълим даражасига, кишиларнинг иқтисодий билимлар соҳасидаги саводхонлик даражасига боғлиқ эканлигини тасдиқлайди.

### *Мавзуга доир адабиётлар таҳлили.*

Мамлакатда таълим тизимини ривожлантириш, албатта, ушбу соҳани етарли молиявий ресурслар билан таъминлашни талаб этади. Бу эса бевосита чекланган ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда, чекланмаган эҳтиёжларни максимал даражада қондиришни талаб этади. Шу боисдан ҳам сўнгги йилларда турли мамлакатларда таълим тизимини

молиялаштириш, шунингдек, бюджет маблағларини таълим муассасалари ўртасида самарали тақсимлаш механизмларида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу таълим тизимида ўқувчилар сонининг кескин кўпайиши ва бюджет ресурсларининг чекланганлиги билан боғлиқ бўлиб, бу бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва турли бюджетдан ташқари манбаларни жалб этишни талаб этмоқда. Ушбу йўналишда иқтисодчи олимлар томонидан молиялаштириш бўйича турли моделлар ва йўналишлар таклиф этилган. Хусусан, Томмасо Агасисти, Гиусепе Капиелло ҳамда Гиусепе Каталанолар эса ўз тадқиқотларида таълим муассасаларини давлат томонидан молиялаштиришни 2 та шаклга ажратган: олий таълим муассасаларини тўғридан-тўғри молиялаштириш ҳамда талабалар ва уларнинг ота-оналарини молиявий қўллаб-қувватлаш (таълим ваучери).<sup>1</sup>

Рус олимларидан Е.Г. Чернова, Т.Д. Ахобадзе, А.С. Малова, А.А. Салтанлар томонидан олий таълимни молиялаштириш моделлари ва уларнинг фаолияти самарадорлиги эмпирик тадқиқ этилган. Шунингдек, улар ўз тадқиқотларида таълим тизимини давлат бюджетидан молиялаштириш механизмлари, жумладан, формула орқали молиялаштириш, натижадорликка кўра молиялаштириш ва ўзаро келишилган тарзда молиялаштириш механизмларининг моҳия- тига ҳам тўхталиб ўтишган<sup>2</sup>. Рус олимларидан И.В. Абанкина ўз тадқиқотларида олий таълимни молиялаштиришнинг бир қатор ўзига хос инвестицион моделлари, жумладан, шахсга мўлжалланган молиялаштириш, эндау- мент фондлар орқали молиялаштириш ва мақсадли молиялаштириш механизмларини тадқиқ қилган ва бу борада бир нечта хорижий тажрибаларни таҳлил қилган<sup>3</sup>.

Маҳаллий олимлардан С. Ғуломов, М. Саидов, Н. Жумаев, С. Бузрукхонов, Д. Раҳмонов, А. Маҳмудов, А. Шеров, З. Хўрозов ва бошқалар<sup>4</sup> ҳам айнан олий таълим тизимини самарали молиялаштириш йўллари бўйича ўз тадқиқотларини олиб боришган.

#### ***Тадқиқот методологияси.***

Тадқиқот олиб бориш давомида монографик таҳлил ҳамда эксперт ва тизимли таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигининг аҳамияти ва молиявий ресурслар самарадорлигини ошириш усуллари тақомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланди.

#### ***Таҳлил ва натижалар:***

Ҳозирги кунда кўпгина мамлакатларда таълим тизимини самарали молиялаштириш, уни молиялаштириш манбаларини диверсификация қилиш, мавжуд маблағлардан оқилона фойдаланиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Албатта, таълим тизимининг барча босқичларини молиялаштиришни тақомиллашувига ва тизимдаги молиявий ресурслар самарадорлиги анъанавий қонуниятларнинг ўзи етарли эмас. Бу борада яна бир қатор қонуниятлар иштироки кўзга ташланади: мазкур қонуниятларни таҳлили борасида тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади.

Биринчидан, инновацион иқтисодиёт шароитида аҳолининг таълимнинг барча босқичларига (мактаб таълими ва олий таълим кўпроқ) бўлган эҳтиёжи бошқа товар ва хизматларга нисбатан устун ўсади. Бу эҳтиёжнинг “тўйиниш” нуқтаси мавжуд эмас. ЮНЕСКОнинг олий таълимга бағишланган халқаро конференциясида олий таълимдаги янги тенденциялар ва унинг қандай қилиб ижтимоий-иқтисодий ҳаётни ўзгартиришга таъсири масаласи

<sup>1</sup>Agasisti T., Cappiello G., Catalano G. The effects of vouchers in higher education: an italian case study. Tertiary Education and Management, 2008, March, vol. 14, no. 1, pp. 27-42.

<sup>2</sup>Chernova Ye.G., Akhobadze T.D., Malova A.S., Saltan A. A. Modeli finansirovaniya vysshego obrazovaniya i effektivnost' deyatel'nosti universitetov. Empiricheskoye issledovaniye yevropeyskogo opyta i otechestvennaya praktika [Models of financing higher education and efficiency of universities. Empirical study of European experience and domestic practice]. Voprosy obrazovaniya – Questions of Education, Educational Studies, Moscow, 2017, no. 3.

<sup>3</sup> Abankina I.V. Finansirovaniye obrazovaniya: trend na personalizatsiyu [Financing education: the trend towards personalization]. NEA Journal, 2019, no. 1 (41), pp. 216-225.

<sup>4</sup> Фойдаланилган адабиёт руйхатида келтирилган

муҳокамасида қайд этилгандек, 2009 йилда жаҳондаги олий ўқув юртларига 135 млн. талаба қабул қилинган. 10 йил муқаддам эса бу кўрсаткич 90 млн. атрофида эди. 2010-2030 йилларда эса талабалар сони 4 мартадан зиёд ортади. ЯИМ эса бунчалик тез ўсмайди, албатта. Демак, олий таълимга эҳтиёж тез суръатларда ўсмоқда. Таълим жараёнида олий таълимга бўлган эҳтиёж устувор аҳамиятга эга бўлмоқда. Аҳолининг билимларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Таълимга (айниқса, олий таълимга) бўлган талаб ва эҳтиёжини тўла қондирмаслик жиддий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Иккинчидан, кишилар ҳар қандай қарорларни қабул қилиш ва амалга оширишда муқобил ечимни ахтарадилар. Муқобил ечим эса ўртача миқдорлар билан эмас, балки маржинал (сўнги) миқдор билан топилади. Аҳолининг билим савияларини ошириш уларнинг муқобил қарорлар қабул қилишига хизмат қилади.

Учинчидан, таълимга дискрет талабнинг узлуксиз таълимга ўтиш жараёни сезилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, “умрга етадиган” билимлардан “умр давомида” таълим олиш тамойилига ўтмоқдамиз. Бугун 4-5 йилгина ўқиб олинган диплом индульгенция эмас, ҳаётдаги барча масалалар ечими бўлишга қобил эмас.

Тўртинчидан, кадрлар тайёрлашга, корхона ва фирмаларнинг мутахассисларга бўлган талаби илмий-техника тараққиёти, фан ва инновациялар натижасидир. Янги иш жойларни яратиб, кейин мутахассислар тайёрлаш эмас, балки мутахассислар инновациялар орқали янги иш жойларини ўзлари яратишлари талаб этилади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қулоч ёйган, инновацион иқтисодиёт шароитида ҳар бир тайёрланган мутахассис яратувчилик қобилиятига эга бўлиб, ўзи учун керакли бўлган иш жойини яратишга ва борларини модернизациялашга кўмаклашишга қодир.

Бешинчидан, иқтисодиётнинг глобаллашуви, тез ўзгариши, рақобатлашуви билимларни истеъмол товарига ва асосий ишлаб чиқариш омилига айлантиради. Билим ва янги ғоялар ижтимоий товар бўлиб, унинг маржинал харажати нолга тенг. Билимларнинг бу хусусияти иқтисодиётдаги сўнги ресурслар қайтимининг пасайиши қонунини инкор қилади ва уларнинг меҳнат унумдорлигини оширишда асимптота нуқтаси йўқлигидан далолат беради. Бу хусусият уларга бўлган талабнинг муттасил ошиб бориш қонуниятини келтириб чиқаради.

Олтинчидан, таълим муассасалари иккита бозорда фаолият олиб боради. Биринчи, таълим хизматлари бозорида ҳам истеъмолчи ҳам ишлаб чиқарувчи сифатида; иккинчидан, меҳнат бозорида янги иш кучини яратувчи сифатида. Аммо иш кучини, университетлар эмас, балки ёлланган ишчи ёки хизматчилар сотади.

Еттинчидан, демократик ислохотлар чуқурлаштираётган ва фуқаролик жамияти шаклланаётган даврда жамият аъзоларининг шахсий камол топиши ва фаол фуқаро бўлиши учун уларнинг таълим хизматларига бўлган талабини тўла қондириш зарур. Кадрларга талаб миқдорини истиқболда башоратлашда бу тамойилни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Саккизинчидан, ишлаб чиқариш ва истеъмол жараёнида самарадорлик иқтисодий меъзон – фойда даражаси билан ўлчанади. Чунончи, бухгалтерия талқинидаги эмас, балки иқтисодий маънодаги фойдани ҳисоблаш учун муқобил харажатларни, трансакцион харажатларни ҳам инобатга олиш зарур. Истеъмолчи, ёки ишлаб чиқарувчи юқори билимларга эга бўлгандагина бу ҳисоб-китобни амалга ошира олади ва самарали муқобил қарор қабул қилади.

Тўққизинчидан, мамлакатимизда инновацион, билимларга асосланган иқтисодиётни жорий этишда олий таълим муассаса ва уларнинг таълим хизматларини миқдор ва сифатини таҳлил этиш, синтезлаш ва башоратлаш жараёнига янги парадигма қўллаш лозим. Янги парадигманинг моҳияти кадрлар тайёрлашга тизимли ёндошилиши, мутахассисларни тайёрлашда асосий масъулиятни университетларга эмас, балки таълим олувчиларга юклаш, жамиятни ривожлантиришнинг етакчи омили сифатида янги ғоя, инновация ва билимлар эканлигини эътироф этишга асосланган. Таълим хизматлари ҳажми, сифатини белгилаш ва

башоратлашда ушбу ғояни амалга ошириш зарур. Жамият аъзоларининг билимларга, айниқса, олий даражадаги билимларга бўлган талабини қондириш биринчи галдаги вазифалар жумласига кирмоғи лозим.

Ўнинчидан, албатта бозор муносабатларининг чуқурлашуви, глобаллашув, глобал молиявий-иктисодий инқироз, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, инновацион иктисодиётнинг шаклланиши ҳам олий таълим тизимининг ривожланиши ва таркибининг такомиллашувига таъсир этмасдан қолмайди.

Юқорида таъкидланган қонуниятлар таълим миллий тизими ривожланиши ва такомиллашувига асос бўлиб хизмат қилади.

### **Хулоса**

Таълимни молиявий таъминлаш ислохотлари: ЯИМнинг таълим соҳасига йўналтириладиган улушини кўпайтириш; молиялаштиришнинг кўп вариантли тизимини жорий этиш; таълим ташкилотларини ўзини ўзи молиялаштиришни ривожлантириши; таълим соҳасига хусусий ва чет ел инвестицияларини жалб этишни; давлат хусусий шерикчилик механизмларини кенг жорий этиш, республика фуқаролари учун кейинчалик узишнинг мослашувчан тизимига ўтиш учун эса таълим кредитларини беришни; узлуксиз таълим тизимини моддий қўллаб-қувватлашда донорлар ва ҳомийлар ролини оширишни; ўқув юртлари даромадини улар томонидан пулли таълим хизматлари кўрсатилиши, консультив, нашриёт, ишлаб чиқариш, илмий ва илмий фаолиятнинг бошқа турларини ташкил қилиш ҳисобига оширишни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини амалиётга кенг жорий этиш талаб этилади.

Таълим тизимининг асосий функциялари билан бевосита боғлиқ бошланғич ресурслар таркибини пухта таҳлил қилиш зарур. Таълим харажатлари таркибида таълим учун муҳим бўлган дарсликлар, муассасани техникавий жиҳатдан сақлаш, ўқитувчилар малакасини ошириш, шунингдек, чиқим материалларини ҳамда ўқув қўлланмалари сингари бошланғич ресурслар ҳаддан ташқари “сикиб кўйилади”, чунки харажатларнинг асосий қисми, ўқув жараёни, коммунал хизматларни, иш ҳақини молиялаштиришга тўғри келади. Нарх-наво конъюнктурасига қараб иш тутувчи меҳнат бозори ривожланишига кўра, ўқитувчиларнинг ўсиб бораётган иш ҳақи харажатлари бевосита дарс бериш, моддий-техника ресурслари билан боғлиқ бўлмаган харажатларни бундан буён ҳам сиқиб чиқаради, айти маҳалда ўқитувчи кадрлардан кўпинча жуда самарасиз фойдаланилади. Башарти, давлат ўқитувчилар сонини қисқартириб, ўқитувчи кадрлардан катта самара билан фойдалана олса, қисқа муддатли истиқболда бу секторда иш ҳақини ошириш мумкин бўлади. Иш ҳақи ошгани ҳолда ўқитувчилар сонининг қисқартиришдан олинадиган умумий самара иш ҳақининг ошиши ва кадрлар қисқариши ҳажмига боғлиқ бўлади. Бироқ ҳисоб-китоблар кўрсатишича, ўқитувчи кадрлар сонининг қисқариши ҳамда иш ҳақининг оқилона оширилиши, умуман, иш ҳақи фондини камайтириш ва таълимнинг бошқа моддий-техника ресурсларини молиялаштириш учун муайян маблағни тежаб қолиш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соцэкгиз, 1962. с. 332., Рикардо Д. Начало политической экономии и налогового обложения. –М.: Прогресс, 1993. с. 292.,
2. С.Г.Струмилин. Методология оценки и повышения эффективности государственной системы высшего профессионального образования: Автореф. дис. докт.экон. наук (08.00.05). — СПб., 2002. — 41 с.
3. К.В.Якушева Методические рекомендации по расчету нормативов бюджетного финансирования образовательных учреждений. — М.: Новая школа, 1995. –64 с, Система финансирования образования: анализ эффективности / Под ред. С.А. Белякова. — М.: Технопечать, 2003. — 182 с. Х.Воссенштейн Финансовое напряжение: тенденции

финансирования высшего образования и политический курс в ситуации ограниченных средств // Университетское управление: практика и анализ. 2003. № 3(26). – С. 51-60.

4. Ушбу олимларнинг ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар қисмида кўрсатилган.
5. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ 5847-сон фармонида.
6. Домбровский Р.Л. Организация управления функционированием и развитием сложных экономико-производственных объектов : дис. ... докт. экон. наук. - Львов, 1992. - 298 с.
7. www.lex.uz миллий қонунчилик базаси. <https://lex.uz/docs/5841063>.
8. Ваҳабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Монография. – Т.: Шарқ, 2003.
9. Ваҳабов А.В., Имамов Э., Солиев А., Туляходжаева М., Хусанова Н., Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации,-Т., 2007.
10. G‘ulomov S., Ochilov I., Saydaxmedov O. Intellektual iqtisodiyotda samaradorlik omillari//O‘zbekiston iqtisodiy axborotnomasi jurnali.-Toshkent, 2015 -№6 –B38-41
11. Абдурахмонов Қ.Х., Жумаев Н.Х. Человеческое развитие (автор. колл.). Учебник./Под общей редакцией – Т.: Фан ва технология, 2012. – 376 с.
12. Mingat A, Tan J. The Full Social Reeturns to Education: Estimates Based on Countries Economic Growth Performance//Human Capital development Working Paper 73/ World Bank, Washington, DC. 1996.
13. Абулқосимов Х.П., Алимова Г. Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ривожланиши: эришилган натижалар ва истиқбол йўналишлар: 2013 й. Электрон манба: <http://www.biznesdaily.uz/ru/birjaexpert/15405-ozbkistonda-ijtimoiy-soha-rivojlanishi-erishilgan-natijalar-va- stiqbol-yonalishlar>